

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН
Protected by PDFElement - Copy Free

2022 йил сентябрь ойининг 27 кунини, жиноят ишлари бўйича Сайхунобод туман судининг очик суд мажлиси ўз биносида бўлиб, туман судининг раиси С.Ю.Разаковнинг раислигида, суд ёрдамчиси С.Темиеванинг котибалиги А.А.Алимовнинг раётида, Сайхунобод туман прокурорининг ёрдамчиси А.А.Алимовнинг раётида, судланувчи Ф.Давлатов ва жабрланувчи М.Икромоваларнинг иштирокида, Давлатов Фарходжон Алим ўғлига нисбатан №1-1206-2201/85-сонли жиноят ишини кўриб чиқди. Иш ҳужжатларига кўра:

Давлатов Фарходжон Алим ўғли (Davlatov Farxodjon Alim o'g'li), 1993 йил 15 июль кунини Сирдарё вилоятининг Мирзаобод туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, 2 нафар фарзанди бор, вақтинча ишламайди, муқаддам, жиноят ишлари бўйича Мирзаобод туман судининг 2017 йил 3 майдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 169-моддаси 3-қисми “а” банди билан Жиноят кодексининг 57-моддасини қўллаб, 3 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган, жиноят ишлари бўйича Сирдарё вилоят судининг 2017 йил 22 июль кунини ажримига кўра, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 169-моддаси 3-қисми “а” банди билан Жиноят кодексининг 57-моддасини қўллаб, 1 йил 6 ой 12 кун ахлоқ тузатиш ишлари жазосига ўзгартирилган, жиноят ишлари бўйича Мирзаобод туман судининг 2018 йил 23 май кунини ажримига кўра, Жиноят кодексининг 73-моддасига асосан ўталмай қолган 8 ой 18 кун ахлоқ тузатиш ишлари жазосидан шартли равишда озод қилинган;

Сирдарё вилояти, Мирзаобод тумани, Оқолтин МФЙ, Сохил бўйи кўчаси, 5-уйда яшайди, эҳтиёт чораси сифатида “муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат” қўлланилган, айблов далолатномасини 2022 йил 4 август кунини судда олган,

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси (кейинги ўринларда ЖК)нинг 122-моддаси 1-қисми билан айбланган.

Суд, судланувчи, жабрланувчининг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:



вақтида тўламаганлиги сабабли 27.10.2021 йилдаги жиноят ишлари бўйича Мирзаобод туман суди томонидан Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 47-4-моддасида кўрсатилган маъмурий ҳуқуқбузарликни содир қилганликда айбдор деб топилиб, 15 сутка маъмурий қамоқ жазоси тайинланганлигини ва алимент пулини тўлаб суд қарори устидан ариза билан мурожаат қилганлиги сабабли, Сирдарё вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати томонидан 09.11.2022 йилдаги қарори билан жазо тури ўзгартирилиб, 70.000 сўм жарима жазосига ўзгартирилганлигини, шундан кейин ҳам у алимент пулини тўламай келганлиги сабабли оилавий шароити оғир бўлганлиги ва ҳеч қаерда ишламаганлиги учун алимент пулларини тўлай олмаганлигини, бюронинг Мирзаобод туман бўлими давлат ижрочилари томонидан кўплаб маротаба оғзаки ва расман алимент пулларидан мавжуд қарзини тўлаб бериши лозимлигини, агарда суднинг ижро варақасида белгиланган ихтиёрий муддатда тўламаса Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 47-4-моддаси билан маъмурий жавобгарлик, шунда ҳам икки ойдан ортиқ тўламасдан келса Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 122-моддаси билан жиноий жавобгарликка тортилишим мумкинлиги ҳақида расман огоҳлантиришганлигини, лекин имкони бўлмаганлиги сабабли фарзандини моддий таъминоти учун алимент тўламасдан келганлигини, ҳақиқатдан ҳам ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунга қадар боқиш ва тарбиялашга мажбур эканлигини билишини, шу сабабли жами алимент пул маблағини 2.500.000 сўмни қоплаб берганлигини, лекин ишламаганлиги сабабли қолган пул маблағини тўлашга имконияти йўқлигини билдириб, жазо тайинлашда озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ жазо тайинламасликни сўраб кўрсатув берди.

Судланувчининг суд ҳукмида кўрсатилган жиноятни содир қилганлиги, ўзининг айбига тўлиқ иқрорлик билдириб берган кўрсатувларидан ташқари, дастлабки терговда тўпланган ва суд муҳокамасида текширилган қуйидаги далиллар билан ўз исботини топади.

Жумладан, жабрланувчи М.Икромова суд мажлисида, у ҳақиқатдан ҳам 2014 йилда Давлатов Фарход билан турмуш қуриб, 2018 йилга қадар бирга яшаб келганлигини, бирга яшаш даврида бир нафар фарзандли бўлганлигини, оилада ўзаро келишмовчилик бўлганлиги сабабли ажрашганлигини, шундан кейин 2018 йилда бир нафар фарзандини моддий таъминоти учун алимент ундириш мақсадида судга ариза билан мурожаат қилганлигини, Фуқаролик ишлари бўйича Гулистон туманлараро судининг 07.02.2018 йилдаги қарорига асосан Давлатов Фарходжон Алим ўғлидан уни фойдамга 24.05.2015 йилда туғилган Алимова Марғиёна Фарходжон қизининг моддий таъминоти учун 06.02.2018 йилдан бошлаб ҳар ойлик иш ҳақи ва бошқа даромадларидан ¼ қисми миқдоридан алимент ундириш белгиланганлигини, ушбу ижро ҳужжати Бюронинг Мирзаобод туман бўлимига келиб тушганлиги ва ижро иши юритилиб, ижро ҳаракатлари олиб борилганлигини, қарздор



Ф.Давлатов алимент пулларини белгиланган муддатларда тўламасдан келганлиги сабаб 2021 йилнинг июль-август-сентябрь ойлари учун тўланиши лозим бўлган жами 3.496.129 сўм алимент пулларини тўлашдан қасддан бош тортиб келганлиги учун 27.10.2021 йилдаги жиноят ишлари бўйича Мирзаобод туман суд томонидан Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 47-4-моддасида белгиланган маъмурий ҳуқуқбузарликни содир қилганликда айбдор деб қўйиб, 15 сутка маъмурий қamoқ жазоси тайинланганлиги ва у суд қароридан кейин алиментдан қарздорлигини тўлаганлиги учун жазо турини ўзгартириб, жарима жазоси қўлланганлигини, лекин шундан кейин ҳам Ф.Давлатов давлат ижрочилари уни бир неча мартаба огоҳлантиришсалар ҳам 2021 йилнинг ноябрь ойидан 2022 йилнинг июль ойига қадар 7 ойдан ортиқ муддат мобайнида жами 4.901.676 сўм алимент пулларини тўлашдан қасддан бўйин товлаб келганлигини, Ф.Давлатов алимент тўлашдан бўйин товлангани учун маъмурий жавобгарликка тортилганлигини, уни қарздор Ф.Давлатовни алимент пулларини ўз вақтида ҳамда белгиланган муддатларда тўлаб келмаган вақтлари давлат ижрочилари томонидан алимент пулини тўламаса жиноий жавобгарликка тортилиши ҳақида огоҳлантиришганидан хабари борлигини, у ҳозирги кунда қарздор Ф.Давлатов билан ярашишга рози эмаслигини, жами 4.901.676 сўм алимент пул маблағидан 2.500.000 сўмни қоплаб берганлигини, Ф.Давлатов унга фарзанди касаллигини айтаётганлигини, лекин унинг ҳам фарзанди борлигини, уни боқишга қийналаётганлигини билдириб, судланувчи Ф.Давлатовга нисбатан қонуний чора кўриб ва ундан тўланмаган 2.401.676 сўм алимент пулларни ундириб беришни сўраб кўрсатув берди.

Суд, давлат айбловчисининг хулосасини, судланувчи, жабрланувчининг кўрсатувлари, шунингдек суд мажлисида дастлабки терговдаги кўргазмаси ўқиб эшиттирилган гувоҳ Ш.Рахмановнинг кўрсатуви, шунингдек жиноят ишида мавжуд бўлган алимент қарзини ҳисоблаш ҳақидаги қарор, маълумотнома, ижро варақа, қарор нусхаси, тушунтириш хати, тилхат, огоҳлантириш хатлари, қарздорнинг мол-мулкини хатлар далолатномаси, сўроқ баённомалари ҳамда жиноят ишида тўпланган ва судда атрофлича муҳокама қилинган бошқа далил ва исботлар билан тасдиғини топган деб ҳисоблайди.

Суд, дастлабки тергов органи томонидан судланувчи Ф.Давлатовнинг жиноий ҳаракатларини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 122-моддаси 1-қисми билан тўғри квалификация қилинган деб топади.

Суд, Ўзбекистон Республикаси ЖК, ЖПК талабларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги Қарорининг тушунтиришларига риоя қилиб, судланувчи Й.Ергашевга нисбатан жазо тури ва миқдорини белгилашда, оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжуд эмас деб топиб, унинг ҳозирда айбига иқrorлигини, қилмишидан



чин кўнгилдан пушаймонлигини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб эътиборга олиб, судланувчи ва жабрланувчи зарар тўлиқ қопланмаганлигини, жабрланувчининг даъвоси борлигини инобатга олиб, унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 122-моддаси 1-қисми санкциясида кўрсатилган озодлиқдан маҳрум қилиш жазоси тайинлашликни ҳамда тайинланган озодлиқдан маҳрум қилиш жазосини манзил-колонияларда ўтатиш белгилашни, унга нисбатан қўлланилган “муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат” эҳтиёт чорасини ўзгартириб, дарҳол суд залидан қамоққа олишни ҳамда жазо муддатини у қамоққа олинган кундан бошлаб ҳисоблашни лозим деб топди.

Суд, судланувчи Давлатов Фарходжон Алим ўғли томонидан жами 4.901.676 сўм алимент пул маблағидан 2.500.000 сўм қопланганлигини ва қолган 2.401.676 сўм алимент пуллари судланувчи Ф.Давлатовдан жабрланувчи М.Икромованинг фойдасига ундиришни белгилашни лозим деб ҳисоблайди.

Юқоридагиларга кўра ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 463, 465-468, 471-473 моддаларига риоя қилган ҳолда, суд ҳукми қилади,

Ҳ У К М:

Судланувчи Давлатов Фарходжон Алим ўғли (Davlatov Farhodjon Alim o'g'li) Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 122-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир қилганликда айбли деб топилсин.

Давлатов Фарходжон Алим ўғлига Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 122-моддаси 1-қисми билан 8 (саккиз) ой муддатга озодлиқдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Жазо манзил-колонияларда ўтатирилсин.

Судланувчи Ф.Давлатовга нисбатан қўлланилган “муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат” эҳтиёт чораси ўзгартирилиб, дарҳол суд залидан қамоққа олинсин.

Жазони ўташ муддати 2022 йил 27 сентябрдан бошлаб ҳисоблансин.

Судланувчи Давлатов Фарходжон Алим ўғлидан 2.401.676 сўм алимент пуллари жабрланувчи Икромова Мафтуна Анвар қизининг фойдасига ундирилсин.

Ҳукмдан норози томонлар – судланувчи ва жабрланувчи ҳукм нусхасини олган кундан, қолган тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб йигирма сутка ичида апелляция тартибида шу суд орқали Сирдарё вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига шикоят қилишга ҳамда протест келтиришга ҳақлидирлар.

Раислик қилувчи

(имзо)

С.Ю.Разаков

“Ҳукм нусхаси аслига тўғри:

жиноят ишлари бўйича

Сайхунобод туман суди раиси

С.Ю.Разаков

